

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.14 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РАВШАНОВ УЛУҒБЕК РАХБАРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА МИЛЛИЙ
ҒОЯНИНГ ЎРНИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

09.00.05 – Миллий ғоя ва тарғибот технологиялари

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Равшанов Улуғбек Рахбарович

Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида миллий ғоянинг ўрни ва уни
ривожлантириш технологиялари.....3

Равшанов Улуғбек Рахбарович

Роль национальной идеи в общественно-политической жизни Узбекистана и
технологии ее развития..... 21

Ravshanov Ulugbek Rahbarovich

The role of the national idea in the socio-political life of Uzbekistan and the
technology of its development..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications..... 44

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.14 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РАВШАНОВ УЛУҒБЕК РАХБАРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА МИЛЛИЙ
ҒОЯНИНГ ЎРНИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

09.00.05 – Миллий ғоя ва тарғибот технологиялари

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Fal429 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон миллий университети веб-сайти (www.nuu.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мусаев Одил Рахматович
фалсафа фанлари доктори, проф.в.б.

Расмий оппонентлар:

Абилов Ўрол Муродович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Идилов Улуғбек Юсупович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.01.14 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4 уй, Ўзбекистон Миллий университетининг Ижтимоий фанлар факультети, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 246-52-74; факс: (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-04 Ўзбекистон Миллий университети Маъмурий биноси, 2- қават, анжуманлар зали.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.А.Шермухамедова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор

О.М.Мухаммадиева
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, фалсафа
фанлари номзоди, доцент

Ж.Ё.Мавлонов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги Илмий
семинар раиси, сиёсий фанлар
доктори (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон халқлари тараққиётининг шиддат билан ривожланиб боришига ҳар бир даврда муайян ғоя ва мафкуралар асос бўлиб келмоқда. Бу ғоя ва мафкуралар бугунги кунда геополитик, геомафкуравий ва панғояларнинг таъсирида зиддиятли, конфликтоген омилларни вужудга келтирмоқда. Ўтган асрнинг охирида шаклланган ахборот хуружи ёшлар онгида турли ғоявий таъсирларга мойиллик, ирқчилик, миллатлараро низо, диний мутаассиблик, кучли давлатларнинг дунёни бўлиб ташлаш ва ҳукмронлик қилиш учун олиб бораётган мафкуравий курашини авж олдирмоқда, бу ижтимоий онгда умумий саросималик, норозилик, шубҳаланиш кайфиятини шакллантирмоқда. Шу боис аҳоли онгида ғоявий хуружларга қарши мафкуравий иммунитетни тарбиялаш, миллий ғоянинг халқларнинг ўз-ўзини англаш, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик, жамият ижтимоий барқарорлигини таъминлаш омили сифатидаги ижтимоий мақомини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида миллий ғоянинг полиэтниклик шароитида миллий тараққиётга хизмат қилувчи жиҳатларини, айниқса, мафкуравий иммунитетни тарбиялаш, миллатлараро ҳамжиҳатликни қарор топтиришга оид ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш долзарб муаммоларидан бирига айланмоқда. Хусусан, айрим мамлакатларда юзага келаётган этник ихтилофлар, сепаратизм ҳаракатларининг олдини олишда бундай тадқиқотлар муҳим роль ўйнамоқда. Шунингдек, бир қатор илмий тадқиқот институтлари ва марказларида миллий ўзликни англаш, жамиятда миллий мафкуранинг бирлаштирувчи куч сифатидаги ролини ўрганиш, ижтимоий муносабатларда конценсусга эришиш, жамият барқарорлигини сақлашда миллий ғоянинг тарғибот технологияларидан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишга оид илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу тарғибот технологиялари мафкуравий тарбияни ташкил этиш, ёшларнинг терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм оқибатларини тушуниш ва унга қарши кураш механизми сифатидаги ўрнини аниқлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикада халқ фаровонлигини таъминлаш, давлат бошқарувида нафақат иқтисодий барқарорликка, балки маънавий баркамолликка эришиш учун аҳолининг турли қатламлари онгида мафкуравий иммунитетни шакллантиришга сўнгги йилларда катта эътибор берилмоқда. «...олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантириш»¹га эҳтиёж ошмоқда. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида миллий ғоянинг ролини ошириш, аҳоли турли қатламлари онгида жамиятдаги ислохотларга нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантириш, фуқаролик жамиятини қуришда миллий ғоя тарғибот технологияларининг таъсирчанлигини оширувчи янги

¹Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

механизмларни яратишни тақозо қилмоқда. Халқ фаровонлигини таъминлашда давлат бошқарувида нафақат иқтисодий барқарорликка, балки маънавий баркамолликка эришиш учун аҳолининг турли қатламлари онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160-сон Қарори, 2019 йил 8 апрелдаги Ф-5465-сон «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакат тараққиёт йўлини белгилаш учун миллий ғояни ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси ва уни янги босқичга кўтаришда президент Шавкат Мирзиёев асарларида маънавий-ахлоқий кадриятларни, миллий ўзликни англаш ва ўзбек давлатчилиги тизимини янада мустаҳкамлаш борасида билдирган фикрлари мазкур тадқиқотнинг илмий-методологик асоси бўлиб хизмат қилди.

Ғоянинг инсон тафаккури маҳсули, жамият тараққиётини белгиловчи куч сифатидаги тарихий аҳамияти, ижтимоий роли мутафаккирлар ижодида алоҳида эътироф этилган. Хусусан, мукаддас Авесто китобида илгари сурилган «Эзгу ғоя, эзгу фикр, эзгу амал» ҳар қандай фаолият оқибати ғоянинг мақсади билан боғлиқлигига ишорадир. Форобийнинг «Фозил шаҳар аҳолиси» асаридаги тўлиқсиз жамиятда (оила) комил инсоннинг тарбиясига эришиш мумкин эмаслиги ва унда тўлиқ жамият фаол иштирокни таъминлаш зарурлиги ғояси давлат ва жамият ўзаро алоқаси фуқаролик жамиятини шакллантириш механизми эканлигига ишорадир.

Низомулмулкнинг бир ишни икки кишига топшириш ёки бир кишига икки амални бериш мумкин эмаслиги ғоясида қатъий қонунларга амал қилишнинг аҳамияти асосланган. Европада Ф.Аквинский фикрича, Худо ғояси инсон иродасини бошқарувчи куч бўлса, Янги даврда билим ғояси жамиятни ҳаракатга келтирувчи кучлиги асосланган. Хориж олимлари Э.Тоффлер «Учинчи тўлқин» асаридаги уч босқичли цивилизациялар алмашинуви ғояси мамлакат тараққиёти инсоннинг прагматик эҳтиёжларини қондириш натижаси, С.Хантингтон эса «Цивилизацияларнинг тўқнашуви» асарида ғоя цивилизацияларни ҳаракатга келтирувчи кучлиги эканлигига асосланган. О.Шпенглер фикрича, маданиятлар диалоги, М.Шеллер фикрича эса, эркинлик ғояси жамиятнинг ривожланишини таъминлайди.

МДХ олимлари, хусусан Россияда Н.Я.Данилевский маданий - тарихий типлар назариясида ғоянинг ижтимоий аҳамиятини, П.А.Сорокин ғояларнинг тарихий тараққиёт жараёнидаги ўзгарувчанлигини очиб берган.

Ўзбекистонда миллий ғоянинг жамият маънавий қиёфасига таъсирини, унинг миллатнинг маънавий эҳтиёжига жавоб берувчи янги усулларини аниқлаш бўйича тизимли илмий тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, ҳуқуқшунос олим А.Азизходжаев демократик ислоҳотларни амалга оширишда миллий ғоянинг аҳамиятини, сиёсатшунос олимлар Ш.И.Пахруддинов аҳоли тафаккурида бузғунчи ғояларга нисбатан таҳдидбардошликни таъминлашнинг заруратини, С.Отамуродов миллий ҳавфсизликни таъминлашнинг ўрнини, И.Эргашев ҳар қандай тараққиёт ғояга таянишини асослаганлар. Файласуф олимлар Э.Ю.Юсупов миллий ғоянинг амал қилишида маънавий тарбиянинг, Х.А.Шайхова оила муҳитининг миллий ғоянинг таъсир кучини оширишдаги роли, Ў.М.Абилов оптимистик рухнинг миллий ғояни тарғибот механизми сифатидаги аҳамиятини, А.Очилдиев ва О.Мусаев миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик миллий ғояни тарғиб қилишнинг амалий воситаси эканлигини асослаганлар. Ж.Яхшиликков фикрича, ҳар қандай коррупцияга қарши кураш миллий ғояни тарғиб қилиш технологияси бўлса, А.Эркаев маънавий камолот миллий ғояни тарғиб этиш технологияси² эканлигини очиб берган.

Турли даврларда нашр этилган адабиётлар таҳлили ғоя инсоннинг дунёга ва ўзига муносабатини шакллантирувчи, жамиятнинг бир босқичдан иккинчи босқичига ўтишини таъминловчи восита эканлиги ёритилган, лекин уларда миллий ғоянинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда барқарорлик омили сифатидаги роли, инсон тафаккурининг ўзгарувчанлиги оқибати эканлиги етарли асосланмаган, шу боис, ушбу диссертацияда миллий ғоянинг тарғибот технологияларини такомиллаштириш механизмларини аниқлаш ва уларнинг жамият бошқарувидаги ролини очиб беришга ҳаракат қилинган.

²Азизходжаев А. Демократия ва маънавият. –Тошкент: ДЖҚА, 1995, Пахруддинова Ш., Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат.-Тошкент: ТДКТИ, 2008, Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси. Тошкент: ДЖҚА, 1998, Юсупов Э. Маънавий камолот омиллари. -Тошкент: Фан, 1998, Шайхова Х. Умуминсоний кадрятлар. Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2000, Очилдиев А. Маданият фалсафаси. Тошкент: ТИУ, 2005, Абилов У. Мустақиллик ва оптимизм. -Тошкент: ТТИ, 1999, Яхшиликков Ж. Миллий ғоя. - Самарқанд: СамДУ, 2018, Эркаев А. Маънавиятшунослик, Тошкент: Фан, 2019.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ20170928710 «Харакатлар стратегиясини бажариш даврида мамлакатимизда маънавий хавфсизликни таъминлаш масалалари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида жамият барқарорлигини таъминлаш, одамлар дунёқарашида ислоҳотларга ишонч ва даҳлдорлик туйғусини таъминлаш учун миллий ғоянинг тарғибот технологияларини такомиллаштириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миллий ғоянинг ўзликни англаш, ватанпарварликни шакллантириш, омили эканлигини асослаш;

мустақил Ўзбекистонда миллий ғоянинг аҳоли турли қатламлари онгига таъсири даражасини аниқлаш ва унинг натижаларини очиб бериш;

янги Ўзбекистонда «Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» бош ғоясининг аҳамиятини очиб берувчи такомиллашган тарғибот технологияларининг усул ва воситаларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар барқарорлигини таъминлашда мафкуравий тарғиботни тизимли ташкил этишнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида мафкура сифатида миллий ғояни ривожлантириш технологиялари билан боғлиқ жараёнлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети ижтимоий-сиёсий ҳаётида миллий ғоянинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини янада юксалтириш учун янги технологиялардан самарали фойдаланиш тизимини шакллантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг диалектика, тарихийлик, мантиқийлик, тизимли - функционал ёндашув, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, кузатув, ижтимоий сўров каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

полиэтниклик шароитида миллий мерос, миллий қадриятлар, миллий урф-одатлар, миллий анъаналар, миллий дунёқараш, ментал хусусиятларнинг инсонпарварлик, толерантлик, тенглик, ўзаро ҳамжиҳатлилик каби умуминсоний мезонлар билан уйғунлиги миллий бағрикенгликни намоён қилувчи ҳамда жамиятдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликка хизмат қилувчи омил эканлиги очиб берилган;

ёшларда “худбинлик” (эгоцентризм), “манфаатпарастлик” (индивидуализм), “оммавий маданият”, “дангасалик”, “лоқайдлик” каби иллатларга қарши маънавий иммунитетни оширишда ғоявий тарбиянинг халқимизга хос бўлган бирдамлик, бағрикенглик, жамоавийлик, миллийлик,

фаоллик, курашувчанлик каби туйғуларни ривожлантиришнинг инновацион усуллари мавжудлиги очиб берилган;

инсонни ўз позициясига эга ижтимоий-сиёсий фаол фуқаро сифатида тарбиялаш жамиятимизнинг полиэтниклик ва поликонфессиялик шароитида диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, ижтимоий ҳамкорлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тинчликни таъминлашнинг муҳим шарти эканлиги асосланган;

миллий ғоянинг Ўзбекистон фуқаролари ижтимоий маънавий фаоллиги ва ҳуқуқий онгини ошириш, ижтимоий бирлигини таъминлаш, “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” стратегик мақсадни амалга оширишдаги императив, когнитив, бирлаштирувчилик каби интегратцион-позитив роли очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

миллий ғоя тарғибот технологияларининг инсон дунёқарашига таъсир қилиш механизмларидан фойдаланишда ижтимоий муҳит, аҳолининг ёши, интеллектуал салоҳиятини туркумлаштиришнинг зарурияти очиб берилган;

миллий ғоянинг миллий ўзликни англаш, давр руҳини ифодалаш, халқ онгида ватанпарварлик ва дахлдорлик туйғусини шакллантиришдаги роли очиб берилган ва унинг ижтимоий-сиёсий вазиятга мослашувчанлигини таъминлаш бўйича янги технологик усуллар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, Республика «Ижтимоий фикр» маркази томонидан респондентлар билан ўтказилган сўровномалари асосида ишлаб чиқилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли муассасалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда илгари сурилган ғоялардан миллий ғоянинг тарихи ва технологик цивилизация даврида одамлар онгига таъсири, ижтимоий аҳамияти, халқаро алоқаларни мустаҳкамлашдаги ўрнини ўрганишга оид илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, унда илгари сурилган таклифлардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг вилоят ва туман бўлимлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг ёшлар билан ташкил этадиган давра суҳбатларида, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар моҳияти очиб берилган услубий қўлланмалар, Миллий ғоя тарғибот технологиялари фани бўйича маъруза матнларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида миллий ғоянинг ўрни ва уни ривожлантириш технологиялари

борасидаги ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва тавсиялар асосида:

полиэтнилик шароитида миллий мерос, миллий қадриятлар, миллий урф-одатлар, миллий анъаналар, миллий дунёқараш, ментал хусусиятларнинг инсонпарварлик, толерантлик, тенглик, ўзаро ҳамжиҳатлилик каби умуминсоний мезонлар билан уйғунлиги миллий бағрикенгликни намоён қилувчи ҳамда жамиятдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликка хизмат қилувчи омил эканлигига оид хулосаларидан Республика Маънавият ва маърифат маркази мажлисининг 2020 йил 3 мартдаги 1-сон баёнига 1-илова “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да маънавий-маърифий ишлар натижадорлигини оширишга, аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар дастурининг II. “Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишга қаратилган тарғибот тадбирлари” 10. “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғояси асосида маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш, мамлакатда бошланган улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик ҳаракати, мақсадли ислохотларни кенг халқ оммасига етказиш, жамиятда фаол фуқаролик туйғусини мустаҳкамлаш, бунда зиёлилар, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт намоёндалари, салоҳиятидан унумли фойдаланган ҳолда қаратилган тизимли тарғиботни амалга ошириш” бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 7 майдаги 02/08-519-сон маълумотномаси). Натижалар миллий ғоя ва мафкурани тарғибот технологияларининг самарадорлигини оширишга йўналган амалий фаолиятнинг такомиллашишига, аҳоли турли қатламлари билан олиб борилган давра суҳбатларида улар онгида келажакка ишонч туйғусининг шаклланишига хизмат қилган;

ёшларда “худбинлик” (эгоцентризм), “манфаатпарастлик” (индивидуализм), “оммавий маданият”, “дангасалик”, “лоқайдлик” каби иллатларга қарши маънавий иммунитетни оширишда ғоявий тарбиянинг халқимизга хос бўлган бирдамлик, бағрикенглик, жамоавийлик, миллийлик, фаоллик, курашувчанлик каби туйғуларни ривожлантиришнинг инновацион усуллари мавжудлигига доир хулосалардан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2020 йилга мўлжалланган иш режаси ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2019-2020 йилларга мўлжалланган иш режасига мувофиқ “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари”, “Ёшлар – келажак бунёдкори” ва “Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини оширишнинг долзарб муаммолари” каби мавзуларда илмий-назарий конференция дастурлари ва Иттифоқнинг “Истиқлол ёшлари” концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2020 йил 7 июлдаги 04-13/2034-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2020 йил 18 декабрдаги 866-сон

маълумотномалари). Натижалар Иттифоқнинг Ўзбекистон ёшлари дунёқарабини кенгайтириш, уларда ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларни улуғлаш туйғусининг шаклланишига йўналтирилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасалари курсантларига “Миллий ғоя: Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегияси” фанини самарали ўқитиш тизимини йўлга қўйишга хизмат қилган;

инсонни ўз позициясига эга ижтимоий-сиёсий фаол фуқаро сифатида тарбиялаш жамиятимизнинг полиэтниклик ва поликонфессиялик шароитида диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, ижтимоий ҳамкорлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тинчликни таъминлашнинг муҳим шарти эканлигига доир хулосалардан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан 2018-2020 йилларда вилоят ва туманларда “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” шиори остида ўтказилган давра суҳбатлари ва маърузалар дастури ва ўқув материалларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2021 йил 14 январдаги 01/01-06-сон маълумотномаси). Натижалар партия фаолиятида замонавий ёшлар тафаккур услубининг янги ғояларга таяниши, уларнинг ижтимоий жараёнларга нисбатан дахлдорлик туйғусининг шаклланишига, ёшлар ижтимоийлашув жараёнининг доимий мониторингини ташкил этишга хизмат қилган;

миллий ғоянинг Ўзбекистон фуқаролари ижтимоий маънавий фаоллиги ва ҳуқуқий онгини ошириш, ижтимоий бирлигини таъминлаш, “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” стратегик мақсадни амалга оширишдаги императив, когнитив, бирлаштирувчилик каби интеграцион-позитив ролига оид хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрда тасдиқланган “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси”, “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида Миллий ғояни ривожлантириш концепция”сини ишлаб чиқишда ва ёшларда мафкуравий тарғибот ишларини амалга оширишда диссертация материалларидан фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 7 майдаги 02/08-519-сон маълумотномаси). Натижалар мамлакат ёшлари маънавиятининг янада юксалтиришга қаратилган концепцияларнинг назарий жиҳатдан такомиллашувига ҳамда ёшларда миллий ғурур ва умуминсоний қадриятларни асраш туйғусининг шаклланишига, маънавий тарбия йўналишидаги ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий

аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат, умумий ҳажми 142 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, объекти, предмети, методлари, мақсад ва вазифалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар сони, диссертациянинг тузилиши ва ҳажмига доир маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Ғоя, миллий ғоя, мафкура, миллий ўзликни англаш тушунчаларининг фалсафий жиҳатлари ва уларнинг ижтимоий аҳамияти**» деб номланган биринчи бобида жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ривожи, тафаккурнинг янгилинишида миллий ғоянинг тарғибот технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ўрни очиқ берилган. Бизнинг фикримизча, миллий ғоя жамиятнинг ижтимоий мақоми, сиёсий тузуми, иқтисодий барқарорлиги, маънавий ҳаёти, халқ руҳини намоён этувчи бош омил сифатида барча даврларда муҳим аҳамият касб этган. Ғоянинг жамият ислоҳотларини амалга ошириш воситаси сифатидаги ролини асослаш учун муаллиф, «ҳар бир халқ, аввало, маънавий бирлашуви, билан юксалган»лиги ғоясига таянган ва турли даврларда нашр этилган адабиётлар мазмунини таҳлил этган, уларнинг умумий жиҳатларини асослаган. Тадқиқотчи муқаддас “Авесто” китобидаги эркинлик ҳақидаги ғояларни Н.Бердяевнинг диний эркинлик ҳақидаги ғоялари билан қиёсий таҳлил этган, шунингдек, Гольбах ва Низомулмулкнинг жамиятда қонун устуворлигининг таъминланишида ғоя сиёсий ва маънавий барқарорлик омили сифатида намоён бўлади, деган фикрига қўшилган.

Диссертацияда ғоянинг жамиятда амал қилиш механизми сифатида мафкуранинг ўрни асосланган. Муаллиф фикрича, “Агар ғоя ислоҳотлар йўлидаги дастлабки кадам бўлса, мафкура уни амалга оширишнинг асосий механизмидир”. Жамият мафкураси халқнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришнинг йўллари билан белгилайди ва босқичма-босқич амалга оширади. Миллий ғоя эса миллатнинг руҳини намоён этади.

Диссертацияда Ўзбекистоннинг 4 босқичли тараққиёт йўли 2 даврда намоён бўлиши асосланган. Муаллиф фикрича, биринчи давр уч босқични қамраб олади ва «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт» бош ғоясига таянади. Биринчи даврнинг дастлабки босқичи 1991-2000 йилларни ўз ичига олиб, унда миллий давлатчилиқни шакллантириш, ҳудудий яхлитликни сақлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор

қаратилган ва бу тадбиркорлик, ишбилармонликнинг янги қиёфада тикланишига замин яратган. Уч босқичли иқтисодий ислохотлар макроиқтисодий ривожланишга асос бўлган. 1994 йилда миллий валюта – сўмнинг муомалага киритилиши одамларнинг мустақилликка ишончини мустаҳкамлади ва миллий ғоянинг аҳамиятини оширди. «Тараққиётнинг Ўзбек модели» ғояси мамлакат аҳолисини тушқунликдан чиқариш, иш билан таъминлашга йўналтирилган бўлса, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ғояси шаҳар типдаги қишлоқларни яратиш ва унга саноатни олиб кириш жараёнида намоён бўлди. «Ислохотлар ислохотлар учун эмас, миллат равнақи учун» ғояси таълим тизимининг барча босқичларидаги туб ўзгаришларда намоён бўлди. «Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин» ғояси 1992 ва 1997 йилларда миллий таълим тизимининг мустаҳкам пойдеворини яратишга асос бўлган. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида бу жараённинг тизимли ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

2000 йилда «Ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан кураш», «Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш» ғояси асосида бошланган иккинчи босқичдаги ислохотлар мамлакатда нафақат ижтимоий, балки маънавий соҳадаги ислохотларни жадал суръатларда ривожлантиришни тақозо этди, бу ўтиш даврида мамлакат ҳудудида авж олган диний экстремизм, терроризмнинг олдини олиш, адашганларга йўл кўрсатишда намоён бўлди. «Инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш» ғояси суд тизими ислохотларида ўз ифодасини топди. 2011 йилда қабул қилинган «Ўзбекистонни янада ривожлантириш концепцияси» олти та тамойилларга асосланувчи ғояларни ўзида бирлаштирган. Унда давлат бошқаруви, иқтисодий ва маънавий ҳаётдаги ислохотлар билан бир қаторда, оммавий ахборот воситалари ҳам тўртинчи ҳокимият сифатида эътироф этилди.

2016 йилда Ўзбекистоннинг 25 йиллик мустақил тараққиёт йўлидаги ютуқ ва камчиликлар сарҳисоб қилинди ва ривожланишнинг янги мўлжаллари белгиланди. 2017 йилда эълон қилинган «Ўзбекистонни янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси» тараққиётнинг иккинчи даврини намоён этувчи «Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» бош ғоясининг амал қилишида янги босқич бўлди. Агар биринчи даврдаги бош ғоя давлат мустақиллигини сақлаш ва асраш омили бўлса, иккинчи даврдаги бош ғоя мамлакатнинг халқаро даражадаги нуфузини ошириш, қўшни давлатлар билан иқтисодий ижтимоий ҳамкорликни такомиллаштириш, жаҳон бозорида тенглар орасида тенг бўлиш, халқ фаровонлигига эришишни ўзида намоён этади. «Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилади» ғояси асосида Президентнинг виртуал қабулхонаси, халқ қабулхоналари ташкил этилди, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлар республиканинг барча ҳудудларида аҳоли билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ечиш бўйича тизим фаолиятни бошлади, давлат бошқаруви қонун чиқариш, ижро ҳокимияти тизимида изчил ислохотлар амалга оширилди. «Халқ бой бўлса, давлат бой бўлади» ғояси

халқаро тажрибага таяниб, иқтисодий ислохотларнинг янги босқичга ўтишнинг заруратини намоён этди. Янги Ўзбекистондаги яна бир муҳим ғоя «Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавият» бўлиб, бу аҳоли турли қатламларининг маънавий тарбиясининг мамлакат нуфузини сақлаш омили сифатидаги аҳамиятини оширишга хизмат қилади. Ҳозирги кунда меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, 1 даражали кўзи ожизлар ва кам таъминланган оила қизлари учун давлат бюджетидан олий таълимга ўқишга киришнинг жорий этилиши бу соҳадаги муҳим ютуқ бўлди.

Хулоса сифатида муаллиф, ҳар қандай мафкура ғояга асосланади, ғоя эса миллат манфаатларини ҳимоя қилишни мақсад қилсагина ижтимоий аҳамият касб этади, бош ғоянинг амал қилиш технологияси сифатида хусусий ғояларнинг мақсади инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоясини таъминлашга асосланиши лозим деб таъкидлаган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон ёшларининг онгида мафкуравий иммунитетни ривожлантириш технологиялари ва хориж тажрибалари**» деб номланган иккинчи бобида унда ёшларнинг ахлоқий маданиятини тарбиялашда миллий ғоя тарғиботининг йўналишлари асосланган.

«Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси»га асосланиши ёшлар дунёқарашида эзгуликка интилиш, мақсадни аниқ белгилаш ва унга эришиш йўллари тизимли ташкил этиш омили бўла олади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш учун Ёшларга оид давлат сиёсати, 5 ташаббус ғояси уларда бир томондан мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини, иккинчи томондан эса эртанги кунга ишонч руҳини шакллантиришга йўналган. Албатта, Ўзбекистон тараққиётининг биринчи даврида, хусусан, 1991 йил ноябрда Ёшларга оид давлат сиёсати эълон қилинган ва унда ёшларнинг ижтимоий ҳимоясига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилган. Бироқ, давр ўтиши билан ижтимоий жараёнлар таъсирида тафаккур ўзгаради, ёшларнинг дунёқарашига ташқи омиллар, янги технологиялар таъсир этади, шу боис 2016 йил сентябрда эълон қилинган қонунда ёш мухатассис, ёш тадбиркор, ёш мухандис каби янги ёндашув давлатнинг келажак эгалари бўлган ёшларга билдирилган юксак ишончи ва 5 ташаббус ғоясининг амалга ошириш механизмидир.

Демак, замонавий ёшлар онгига ватанга садоқат, уларда ёт ғоя ва қарашларнинг салбий таъсирига нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, экстремизм, терроризм ва бошқа бузғунчи ғояларга нисбатан мурасизликни шакллантиришда миллий ғоя технологик воситаси сифатида амал қилади. Ёшлар онгининг «Ахборот хавфсизлигини таъминлаш» ғояси «Миллий ахлоқий маданият хавфсизлигини таъминлаш» ғояси билан уйғунлашади, бу «Миллий ахлоқий маданият хавфсизлигини таъминлаш концепцияси»ни яратишни тақозо этади. Миллий ахлоқий маданият хавфсизлиги инсоннинг

тана ва тафаккур хавфсизлигини таъминлашга мўлжал олиши лозим. Бу энг аввало, худудларнинг хавфсизлигини таъминлашда хушёрликни ошириш, ҳар қандай жиноятга қарши муросасиз чора кўриш билан бир қаторда жиноятчиларнинг ўз ишларидан пушаймонлигига эришиш, уларни ҳаётда ўз йўлини топишга ёрдам беришни назарда тутати. Бугун мафкуравий хуружлар авж олаётган даврда уларга қарши хавфсизлик механизмларини такомиллаштириш «оммавий маданият» таъсиридан ҳимоя қилиш технологияси сифатида амал қилади. Шу боис, бугунги кунда хавфсиз шахар, хавфсиз маҳалла лойиҳалари доирасида тизимли фаолият олиб борилмоқда.

Диссертацияда Хитой, АҚШ, Европа Иттифоқи давлатларидаги мафкуравий иммунитетни тарғибот технологиялари қиёсий таҳлил этилган. Масалан, Хитойда ҳукумат энг йирик ахборот агентликларининг Интернет сайтларини яратиш, уларда миллийлик ва маънавий қадриятларни тарқатиш тармоғини кенгайтириш, «Синьхуа» давлат ахборот агентлигида хорижий мухбирлар учун шароит яратиш, интернет фаолиятининг кўламини кенгайтириш бўйича тизимли фаолият олиб борилган. Интернет тармоғида хорижий тилларда Хитой ОАВни ишга туширишга катта эътибор қаратилган. Ахборотга миллийлик, Хитой халқига хос анъаналар ва Хитой мафкураси сингдирилган, Хитойда ҳар бир яратилган ахборот турида, санъат маҳсулотлари (кино, мультфильм, тасвирий санъат, адабиёт)да, маънавий қадриятларда Хитой мафкураси тарғиб қилинган. Америка Қўшма Штатлари «Мафкуравий тарғибот» технологиясининг асосий ғояси моддий фаровонликни яратишга қаратилган, миллат, элат, дин эса иккинчи даражали аҳамият касб этади. АҚШда PR тарғибот технологияларидан фойдаланилади. PR технологиялари бир маротабалик акциялар, доимий, серияли шаклларда «хотирага хужум» сифатида намоён бўлади. Hollywoodда яратилган барча медиа маҳсулотлар (кино, мультфильм, видеоролик ва ҳоказолар)да АҚШ сиёсати тарғиб қилинади, уларнинг барчасида АҚШ байроғи ва унга тенглаштирилган рамзлар кетма-кетлиги намоён этилади. Европа Иттифоқи давлатлари хусусан Франция тажрибасига кўра, мамлакатнинг мафкуравий тарғиботини шакллантиришда умумэтироф этилган қонун қоидалар концепцияси танлаб олинган. Халқни мамлакат мақсадлари учун сафарбар қилишда дунё эътироф этган ва халқаро ҳуқуқда қўлланиладиган нормалар миллий мақсадларга уйғунлаштирилган ва улар бир хил таъсир кучига айланган. Мафкура тарғиботининг мутаассиблашуви Францияда барча нарса инсон ва унинг манфаатлари деган ғоянинг мутаассиблашуви натижасида бир жинсли никоҳ ва ҳоказо иллатларнинг авж олишига олиб келган³. Германияда эса мафкуравий тарғибот инсон онгида у туғилгандан токи меҳнат фаолиятини яқунлагунгача бўлган давргача немис характери сингдириб борилади бу энг аввало оилаларда ва ОАВда амалга оширилади. Ғоя тарғиботининг Япония тажрибасида мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлашга асосий эътибор қаратилади. Ва қадриятлар

³Уткин В. Особенности воспитательной работы в ВС США, Великобритании и Франции // Журнал. Зарубежное военное обозрение. – 2001, № 11. – С. 79.

тизимидан фойдаланилган. Бунда ёшларда япон тарихи – синтоизм – конфуцийлик – самурайлик иродасини шакллантиришга эътибор қаратилади. Россия Федерацияси тажрибаси асосий эътиборни маданий-маърифий ишларга, миллат тарихини ўрганишга, сулолалар шажаралар ҳаётини ибрат тарзида кинофильмлар орқали ёшларга етказишга қаратилади. Қозоғистонда партиялар, телеканаллар, ОАВ миллий ғоянинг тарғиб этиш технологияси сифатида ривожланмоқда, шунингдек, ватанпарварликни тарғиб қилувчи «Офицер абыройи» деб номланган 30 серияли кинофильм яратилган. Мафкуравий ишларни тарғиб қилишда муассасалараро ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган бўлиб, унга қайси йўналишда мафкуравий тарғибот олиб борилса, ўша йўналишдаги асосий ташкилот координаторлик вазифасини бажаради. Қозоғистонда мафкуравий тарғиботнинг асосий ғоялари– фуқаролик ва умуммиллий фазилатларни шакллантириш; жамият ва давлат манфаатлари шахсий манфаатлардан устун туриши; бунёдкор ғояларни миллий кадриятлар асосида тарғиб қилишга йўналган.

Жанубий Корея мафкура тарғибот технологиясининг бош объекти ва субъекти оиладир. Оила умумий бюджетининг 56%и фарзанд учун сарфланади. Фарзанднинг дастлабки тарбияси билан фақат оналар шуғулланади. Умуман олганда, ривожланган мамлакатларнинг миллий ғояси ўз мақсадларини халқ мақсадларига уйғунлаштиришдаги ютуғи ягона ҳудуд-ягона халқ тушунчаси шакллантирилганлигидир. Муаллиф фикрича, хориж амалиётида ғоя тарғиботининг муҳим технологияси ижтимоий тармоқлардаги сайтларда ўз ифодасини топади.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда хориж тажрибаси асосида 1995 йилдаёқ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг миллий доменлари яратилган, агар 2004 йилда уларнинг сони 30 мингга бўлса, ҳозирги кунда 71 мингдан ошган⁴. Бу эса Ўзбекистонда мафкуравий хавфсизликни таъминлаш технологияси юқори даражада амал қилаётганидан далолат беради.

Хулоса сифатида муаллиф, таълим, санъат ва маданият ҳам ғоя тарғиботининг муҳим технологияси сифатида намоён бўлишини таъкидлаган. Масалан, таълим тизимининг барча босқичларида дастлаб «Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар», янги Ўзбекистонда «Тарбия» фанини ўқитишнинг жорий этилиши, Ўзбекистон телеканалларида намоёиш этилаётган тарихий кинофильмлар миллатнинг ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга йўналтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда миллий ғояни ривожлантиришнинг дунёвий, диний ва миллий омиллари**» деб номланган учинчи бобида миллий ғояда миллий ва умуминсоний тамойилларнинг уйғунлигини таъминлашнинг аҳамияти очиб берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши маънавий тарбия технологияларини

⁴Худойберганов А. Талаба ёшлар ахборот хавфсизлигини таъминлаш технологиялари-Тошкент: ЎзМУ фалсафа доктори автореф. 2020.

